

Худхуднинг хабари



16:09 / 17.04.2025 2090

Худхуднинг сўзларига қулоқ тутсак, у биздан кўра хабарларни яхши етказган: «Кўп ўтмай, у (Худхуд) келиб, деди: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим» (Намл сураси, 22-оят).

У «Эшитиб қолдим», «ўқиб қолдим», «айтишдики», «менга хабар келишича» каби сўзларни айтмади. Балки «ишончли бир хабар олиб келдим», деди.

Хўш, бунга нисбатан Сулаймон алайҳиссалом қандай йўл тутдилар?

Тезда ўша маълумот асосида бир мавқени эгаллаб олдиларми?

Худди биз бугунги кунда интернетда бир нарсани ўқиб қолсак, текширмасдан, дарров уни телефон тугмаларидаги «кўчириш» (копировать) ва «қўйиш» (вставить) ишларини бажарганимиздайми?... Йўқ, албатта.

У зот Худхуд ёлғон сўзлашга журъат қилолмаслигини билардилар. Шу билан бирга «У (Сулаймон) деди: «Кўрамиз, рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми» (Намл сураси, 27-оят).

Демак, бирон хабар ёки маълумотни улашишдан аввал уни тўғрилиги, ишончлигини текшириш пайғамбарлар манҳажи ва диннинг талабидир. Ҳақиқат эканини аниқ билмаган маълумотингни улашма ҳамда

яхшиликларингни зиёда бўлишига сабаб бўлувчи нарсаларнигина бошқаларга улашгин, баҳам кўргин.

Манба: @arabicuz

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.